

1654/4415 - عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرْسَلَنِي أَصْحَابِي إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْأَلُهُ الْحُمْلَانَ لَهُمْ، إِذْ هُمْ مَعَهُ فِي جَيْشِ الْعُسْرَةِ، وَهِيَ عَزْوَةٌ تَبُوكَ، فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنَّ أَصْحَابِي أَرْسَلُونِي إِلَيْكَ لِتَحْمِلَهُمْ، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَا أَحْمِلُكُمْ عَلَى شَيْءٍ. وَوَأَفْتُهُ وَهُوَ غَضْبَانٌ وَلَا أَشْعُرُ، وَرَجَعْتُ حَزِينًا مِنْ مَنْعِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمِنْ مَخَافَةِ أَنْ يَكُونَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ فِي نَفْسِهِ عَلَيَّ، فَرَجَعْتُ إِلَى أَصْحَابِي، فَأَخْبَرْتُهُمُ الَّذِي قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمْ أَلْبَثْ إِلَّا سُوءِيَّةً إِذْ سَمِعْتُ بِأَلَّا يُنَادِي: أَيُّ عَبْدِ اللَّهِ بَنِ قَيْسٍ، فَأَجَبْتُهُ، فَقَالَ: أَحِبَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُوكَ، فَلَمَّا أَتَيْتُهُ قَالَ: خُذْ هَذَيْنِ الْقَرِينَيْنِ، وَهَذَيْنِ الْقَرِينَيْنِ لِسِتَّةِ أَبْعَرَةٍ ابْتِاعَهُنَّ حِينَئِذٍ مِنْ سَعْدٍ فَانْطَلِقْ بِهِنَّ إِلَى أَصْحَابِكَ، فُئِلَ: إِنَّ اللَّهَ - أَوْ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَحْمِلُكُمْ عَلَى هَوْلَاءٍ فَارْكَبُوهُنَّ. فَانْطَلَقْتُ إِلَيْهِمْ بِهِنَّ، فَقُلْتُ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْمِلُكُمْ عَلَى هَوْلَاءٍ، وَلَكِنِّي وَاللَّهِ لَا أَدْعُكُمْ حَتَّى يَنْطَلِقَ مَعِي بَعْضُكُمْ إِلَى مَنْ سَمِعَ مَقَالََةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَا تَنْظُنُوا أَلِّي حَدَّثْتُكُمْ شَيْئًا لَمْ يَقُلْهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا لِي: وَاللَّهِ إِنَّكَ عِنْدَنَا لَمُصَدِّقٌ، وَلَنْفَعَلَنَّ مَا أَحْبَبْتَ، فَانْطَلَقَ أَبُو مُوسَى بِنَفَرٍ مِنْهُمْ، حَتَّى أَتَوْا الَّذِينَ سَمِعُوا قَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْعَهُ إِيَّاهُمْ، ثُمَّ إِعْطَاءَهُمْ بَعْدُ، فَحَدَّثُوهُمْ بِمِثْلِ مَا حَدَّثْتُهُمْ بِهِ أَبُو مُوسَى.

1188/45 -

1188.45-БОБ.

1654.4415. Абу Бурда Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Шерикларим мени уларга улов сўраш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборишди. Ўшанда улар у зот билан бирга Жайшул-усрада эдилар. Бу Табук ғазотидир. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Шерикларим мени ҳузурингизга уларга улов беришингиз учун юбордилар», дедим. У зот: «Аллоҳга қасамки, сизларга бирор улов бермайман», дедилар. Билмай, у зот ғазабланганларида рўпара келиб қолдим деб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бермаганларидан ва у зот ичларида мендан аччиқландилармикин, деган хавфда маҳзун бўлиб шерикларимнинг ёнига қайтдим. Уларга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гапларни етказдим. Ҳеч қанча ўтмай, Билолнинг «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс», деб чақираётганини эшитдим. Унга жавоб қилдим. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига бор, у зот сени чақиряптилар», деди. У зотнинг ҳузурларига келганимда, «Бир-бирига боғланган манави жуфт туяни ва манави жуфт туяларни ол-да, - ўша пайтларда ўзлари Саъддан сотиб олган олтита туяни (кўрсатдилар) - уларни шерикларингга олиб бориб, «Аллоҳ [ёки «Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам»] - сизларга манавиларни минишга берди, уларни мининглар», деб айт», дедилар. (Туяларни) олдим-да, уларнинг ёнига бориб, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларга манавиларни бердилар. Лекин Аллоҳга қасамки, бир нечангиз мен билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини эшитган одамнинг олдига бормагунича сизларни тек қўймайман, яна мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган гапни айтди, деб гумон қилиб юрманглар», дедим. Улар менга: «Сен орамизда ишончли кишисан. Сен хоҳлаган нарсани албатта қиламиз», дейишди.

Абу Мусо улардан бир нечтасини олиб, йўлга тушди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларга аввалига (улов) бермай, кейин берганлари ҳақидаги сўзларини эшитганларнинг ёнига келгач, улар ҳам буларга айтишди».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI